

Ойбек АХМЕДОВ

## ИҚТИСОДИЁТ ТЕРМИНОЛОГИЯСИДА СИНОНИМИЯ (ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА)

Мақолада ўзбек ва инглиз тилларининг иқтисодиёт терминологиясидаги синонимия ҳодисаси илмий жиҳатдан ўрганилган. Терминлар таржимасида синонимия ижобий ҳодиса эмаслиги таъкидланган ва терминологияда учрайдиган синонимларнинг турлари, уларнинг ўзлашма қатлами, ҳосил бўлиш йўллари чоғиштирилаётган тиллар асосида амалий мисоллар билан ёритилган.

**Калит сўзлар:** терминология, синонимия, лексик синонимлар, семантика, термин, лексема, тилшунослик, таржима, муқобиллик, луғат, ясама сўзлар.

В этой статье раскрывается проблема синонимии в экономической терминологии на примере английского и узбекского языков. Подчеркивая, что в переводе терминов явление синонимии не считается положительным, на материале сопоставляемых языков освещаются встречающиеся в терминологии типы синонимов, их заимствованный пласт и способы формирования.

**Ключевые слова:** терминология, синонимия, лексические синонимы, семантика, термин, лексема, лингвистика, перевод, эквивалентность, словарь, производные слова.

This article deals with the problem of synonymic phenomena in terminology of texts on economy based on the English and Uzbek languages. Using synonymic units in translation of terms, being a positive phenomenon has been accentuated. As well as types of synonyms, loan words (borrowing layer), word-formation ways in terminology were highlighted with the help of practical examples in comparing languages.

**Key words:** Terminology, synonyms, lexical synonyms, semantics, term, lexeme, linguistics, translation, equivalence, dictionary, derivational words.

Бугунги тилшунослик фанида терминлар синонимияси энг долзарб ва ечими мураккаб бўлган муаммолардан ҳисобланади. Хусусан, синоним терминлар билан умумдабий тилдаги синонимия тушунчалари ўртасидаги тафовут масалалари ҳали тўлақонли тадқиқ этилмаган.

Р.А. Будаговнинг таърифича, “Синонимлар, маъноси бир-бирига яқин, талаффузи эса турлича бўлган, бир тушунчанинг турли қирраларини ифодаловчи сўзлардир” [1]. А.П. Евгеньева эса синонимияни шундай таърифлайди:

Синонимлар — семантик жиҳатдан бир-бирига яқин ёки ўхшаш тушунчани ифодаладиган ва маъно белгиларига ёхуд услубий бўёғига кўра ўзаро фарқланадиган лексемалардир” [3]. Шунга мувофиқ, И.Сиддиқова сўзларнинг

синонимлигини аниқловчи мезон сифатида уларнинг матнда лексик жиҳатдан ўзаро алмашуви эканлигини қайд этади. Масалан: “лингвистика” ва “тилшунослик”, “опий ва опиум”, “автожир” ҳамда “геликоптер” [9] ва б.

Демак, уларнинг фикрича, лексемаларнинг ўзаро синоним бўлиши семантик ўхшашлик ва яқинликка эга бўлиши билан белгиланади.

Илмий манбаларда терминологик синонимия масаласига турлича қарашлар мавжуд бўлиб, аксарият тилшунослар синонимияни терминларнинг аниқлигини сақлаш учун уларни камайтириш тарафдори. Айрим олимлар эса терминологияда синонимларнинг мавжуд бўлишига табиий ҳодиса деб қарайди. Бу ўринда, терминология тарихи билан маҳсуе шуғулланган Л.Кутина: “Терминология соҳасида кенг тарқалган синонимия ҳодисаси терминологик тизимларнинг шаклланиши учун характерлидир” [4], — деб таъкидлайди

Ҳар қандай тилнинг бойлигини кўрсатувчи омиллардан бири бўлган синонимлар, айниқса, нутқнинг бадиий ва публицистик услублари учун жуда қўл келади, оғзаки ва ёзма нутқни такрорлардан, ғализликлардан озод қилади. Бироқ синонимия ҳодисаси терминологик тизимлар учун салбий ҳолат ҳисобланади. Синоним терминлар, биринчидан, киши хотирасига ортиқча юк бўлиб тушади, сабаби кўплаб тушунчаларни ўзлаштириш билан бирга, уларни англатувчи янада кўп терминларни эслаб қолишга тўғри келади. Иккинчидан, уларнинг мавжудлиги натижасида семантик жиҳатдан бир-биридан фарқланиш “хавфи” туғилади.

Сўзларнинг маъновий ўхшашлиги (синонимлиги), уларнинг ҳосил бўлиши, типологик жиҳатдан турларга (лексик, грамматик, контекстуал, фразеологик, стилистик) ажратиш масалалари, синтагматик ва парадигматик таснифлари, сўз туркумлари (от, сифат, феъл) синонимияси, синонимик парадигмани шакллантирувчи тамойиллар ва кодификацион асослари, кўп тилли синоним луватлар тузишда лексемаларнинг асосий лексикографик хусусиятлари, терминлараро учровчи синонимлар, лексик, стилистик ва фразеологик синоним бирликлар, уларнинг бадиий, драматик ҳамда насрий асарлардаги муаммоли масалалар И.А.Сиддиқованинг докторлик диссертациясида батафсил ифодасини топган [9].

Синонимларнинг умумдабий тилда мавжудлиги ва қўлланилиши салбий ҳодиса эмас, албатта. Бироқ терминологияда турли хил синонимлардан фойдаланиш ижобий ҳолат эканлигини инкор этган ҳолда иқтисодиёт терминологиясида кўп учрайдиган синоним терминларнинг хилма-хил кўринишларини қўйидагиларга ажратиб таҳлил қилиш мумкин.

Лексик синонимия. Ўзбек тили иқтисодиёт терминологиясида тез-тез учраб турадиган бу хилдаги синонимия, ўз навбатида, яна бир неча гуруҳларга бўлинади:

а) асли ўзбекча (умумтуркий) лексемаларнинг ўзаро синонимияси сотиб олиш — харид қилиш; қиймат — таннарх; текшириш — назорат ва б.

б) шундай терминлар билан форс-тожикча ёки арабча, ёхуд русча-байналмилал лексемаларнинг ўзаро синонимияси жарима — пеня; даллол — брокер; бадал — взнос; даромад — фойда — тушум — прибыл.

Айтиш жоизки, арабча, форс-тожикча ва русча байналмилал иқтисодиёт терминларининг ўзбекча муқобилларини топиб қўллаш, уларнинг саводли ёзилиши ҳамда ўқилишини таъминлаш, иқтисодиёт соҳасида кенг қўлланиладиган, фаол терминларнинг изоҳли, қомусий луғатларини яратиш келажакдаги долзарб вазифалардан биридир.

Ўзбек тили луғавий таркибининг асосини ташкил этувчи асли ўзбекча, форс-тожикча, арабча лексемалардан иборат иқтисодиёт терминлар синонимиясини турли хил луғатларда ва бошқа манбаларда кўплаб учратиш мумкин. Ўзбек халқи тарихий ўтмишда араб, форс, тожик ва бошқа миллат вакиллари билан дўстликда, иноқликда яшаб келганлигидан далолат беради. Ўзбекча синоним терминларнинг инглиз тилидаги муқобили ягона термин орқали ифодаланиши эса қиёсланаётган тиллар иқтисодиёт терминологиясининг тафовутли жиҳатларини кўрсатади. Фикримизнинг тасдиғи учун айрим мисолларни келтирамиз: пул — ақча — маблағ — money; аҳднома — битим — шартнома — келишув — contract; даромад — кирим — тушум — фойда — income; дастмузд — маош — salary; нарх — баҳо — price; сарф — харажат — чиқим — expense;

Инглиз тилидан фарқли тарзда, ўзбек тилида асли ўзбекча, форс-тожикча ёки арабча лексемалар қаторига бир асосли, туб ёки ясама терминлар билан бирикмали терминларнинг ҳам синонимик муносабатга эга бўлиши мумкин: молия — пул маблағи — finance; тушум — саводдан тушган пул — revenue; савдогар — ишбилармон — businessman; даромадлиқ — даромад келтириш — profitable; ваколатнома — ишонч қоғози — warrant; корчалон — олғир ишбилармон — entrepreneur ва б.

Қайд этиш керакки, ҳозирги ўзбек тилининг оғзаки мулоқотида кишилар томонидан айрим синоним жаргонларни қўллаш ҳоллари ҳам қузатилмоқда. Бундай жаргонлар инглиз тили лексикасида ҳам мавжуд бўлиб чоғиштириладиган тиллар иқтисодиёт терминологиясининг ўзига хос аналогик/ўхшаш хусусиятларидан биридир. Масалан, умумадабий ўзбек тилидаги пул лексемасининг жаргонлари сифатида, қўлнинг кири, соққа, лой, кўк, валюта, карам, ақча кабилар шулар жумласидандир. Инглиз тилида ҳам бундай ҳолатни қузатиш мумкин. Жумладан: money, dirty, dust, ill-gotten, lettuce, buck, green-back, currency. АҚШ пул бирлигининг инглиз тилида жаргон сифатида ҳам қўлланилиши лексик-семантик жиҳатдан ўзбек тилидаги билан бир хил ифодаланади. У кўк рангда бўлганлиги сабабли кишилар томонидан ўзбек тилида кўкат, карам, инглиз тилида cabbage ёки lettuce (green) терминлари орқали ифода этилади. Мисол учун, he's loaded with cabbage — унинг пули кўп ёки I don't have the green for a new car [6] — Янги машина сотиб олишга пулим йўқ. Инглиз тилидаги жумлаларда қўлланилган cabbage, green ҳамда ўзбекча жумлаларда қўлланилган пул лексемалари орқали аслида АҚШ пул бирлиги ифода этилмоқда.

Ўзбек тили иқтисодиёт терминологиясида синоним терминларнинг кўп учраши, биринчи навбатда, уларнинг умумадабий тилда баб-баравар ишлатилаётганлиги билан изоҳланади. Чунки, ўзбек тилида синонимик қаторни ҳосил қилувчи терминлар асли ўзбекча, форс-тожикча ёки арабча бўлишидан қатъи назар, аср-

лар мобайнида халқимиз тилида ишлатилиб келинган. Шунингдек, мазкур терминлар ишлатилган тилларда сўзлашувчи халқлар узоқ йиллар давомида ёнма-ён, ҳатто аралаш ҳолда яшаганлиги ёки яқин ижтимоий алоқада бўлганлиги сабабли ҳам айрим шу турдаги синонимия ҳодисасининг турғунлашувига олиб келган, деб ҳисоблаш мумкин.

Ўзбек тили иқтисодиёт терминологиясида синоним терминлар ҳосил бўлиши ва кўпайишининг сабабларидан яна бири, ўзбек тилида аввалдан қўллаб келинган луғавий бирликларнинг русча ва инглизча байналмилал терминлар билан параллел қўлланишидир. Иқтисодиёт терминологиясида муайян бир тушунчани ифодалаш учун бир вақтнинг ўзида ҳам миллий, ҳам байналмилал терминлардан фойдаланиш нафақат ўзбек тили иқтисодиёт терминологияси учун, балки барча тилларнинг терминологик тизимлари учун ҳам умумий ҳолат ҳисобланади. Шунинг учун синонимиянинг бу турини ҳам бирданига бартараф этиб бўлмайди. Инглиз ва рус тилидан она тилимизга ўзлашган байналмилал терминларнинг ўзбекча муқобиллари билан тенг ҳолда қўлланишини қуйидаги мисоллар билан ифодалаш мумкин: franchise — френчайз — имтиёз/енгиллик, deficiency — дефицит — тақчил, document — документ — ҳужжат, bureau — бюро — справочное — маълумотхона, barrier — барьер — тўсиқ, businessman — бизнесмен — ишбилармон/тадбиркор, deposit — депозит — омонат пул, capital — капитал — сармоя/маблағ, act — акт — далолатнома, discount — скидка — чегирма, protocol — протокол — баённома, label — этикетка — ёрлиқ, reform — реформа — ислоҳот ва б.

Ўзбек тили иқтисодиёт терминологиясида рус тили орқали турли роман-герман тилларидан ўзлашган айрим байналмилал терминлар мавжуд бўлиб, ҳанузгача уларни ўзбек тилида ифодалашда русча варианты меъёрий ҳолат сифатида қабул қилинган. Ваҳоланки, улар ўзбек ва рус тиллари мулоқотида бир хил қўлланилса-да, баъзиларининг транслитерацияси инглиз тилидаги муқобилларидан фарқ қилади. Қуйидагиларни мисол тариқасида келтириш мумкин: декларация; диверсификация; фискал; тариф; лизинг; кредит; мониторинг; кодекс; документ; импорт; экспорт; рапорт; идентификация; демпинг; арбитраж; акцент; аудит; транзит; операция; эмиссия; эмбарго; баланс; трансфер ва ҳ.

Ушбу терминларнинг муқобиллари ҳамда транслитерацияси инглиз тилида қуйидагича берилади: diversification; fiscal; tariff; leasing; credit; monitoring; code; document; import; export; report; identification; dumping; arbitration; accept; audit; transit; operation; emission; embargo; balance; transfer ва б.

Қуйидаги мисоллар эса инглизча-ўзбекча ҳамда байналмилал иқтисодиёт терминларининг луғавий синонимик қаторида ҳам юқоридагидай ҳолатни, яъни, биринчидан, бир асосли (туб ёки ясама) терминлар доирасида ҳам мавжуд эканлигини кўрсатади. Масалан: рухсатнома — лицензия; солиқчи — налогчи; иқтисодчи — экономист; қарздор — дебитор; қарз берувчи — кредитор; божхоначи — таможня ходими; маблағ — сармоя — капитал; ҳисобчи — бухгалтер; фоиз — процент; воситачи — даллол — дистрибутер — брокер; тушум — виручка; миждоз — харидор — клиент ва б.

Инглиз тилида ўзбек тилидан фарқли ўлароқ, бундай аралаш синоним терминларнинг аксарияти асосан ягона ифода шакл орқали берилади: license; tax gatherer; economist; debtor; creditor; customs officer; cash assets; bookkeeper; percent; dealer; gain; customer ва б. “At the instance of signing a contract with the person to be represented the customs broker (agent) has the right” [8]. Ўзбек тилида: Шартнома тузиш жараёнида вакил сифатида иштирок этаётган божхона брокери муайян ваколатга эга.

Ўзбекча: “...улар ўртасида ваколатга эга бўлган брокерлар воситачилик қилади” [10]. Таржимаси: “...brokers which have appropriate authority deals with as mediators among them”.

Юқорида келтирилган жумлалардаги инглиз тилидан ўзбек тилига ўзлашган broker – брокер термини у ёки бу тилга ўгирганда ҳам асл лексик-семантик хусусиятини сақлайди. Бунинг сабаби, мазкур термин аслида ўзбек тилига инглиз тилидан ўзлашган байналмилал термин ҳисобланади. Ушбу терминнинг ўзбек тилидаги муқобилларини даллол, воситачи сўзлари орқали ифодалаш мумкин бўлса, рус тилида унинг маклер, посредник шаклидаги муқобиллари мавжуд. Инглиз тили мулоқоти жараёнида айнан ушбу терминлар ўзбекча вариантларига нисбатан доминантлик қилади. Унинг маънодош вариантлари (инглиз тилида 17 та) инглиз тилида қуйидаги лексемалар билан ифодаланади. Dealer; agent; banyan; mediator; intermediary; negotiator; middleman; reseller; go-between; moderator; fact-finder; conciliator; promotion; medium; umpire; arbitrator; fixer ва ҳ.

Бундан ташқари, инглиз тилидан ўзбек тилига ўзлашган инглизча байналмилал терминларнинг берилишида, яъни калькалаштириш натижасида ҳам ўзбек тили иқтисодий терминологиясида синонимиянинг аралаш тури юзга келади: кредитор – қарз берувчи – creditor; бизнесмен – ишбилармон – businessman; бракераж – мол назорати – sorting; арбитраж – ҳакамлар суди – arbitration; облигация – қимматли қоғозлар – obligation/bond (stock); хронометраж – аниқ ўлчам (солиқлар тушумини ўз вақтида амалга оширишни таъминлаш) – chronometry; конвертация – пул айрибошлаш – conversion; диллер – воситачи – dealer; кредит – ажратма маблағ – credit; аукцион – кимошди – auction; унитар корхона – кўшма (бирлашган) корхона – unitary enterprise; риэлтор – воситачи, даллол – realtor ва б.

Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг иқтисодий ислохотларини чуқурлаштириш жараёнида турли хўжалик юритувчи субъектлар, мулкдорлар, кредиторлар ва қарз олувчилар, ижарачилар, пудратчилар, таъминотчилар ва истеъмолчиларнинг манфаатлари тўлақонли шакллантирилди. Бугунги кунга келиб, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг барча соҳаларида шиддат билан кечяётган янгиланиш ва ўзгаришлар жаҳон ижтимоий-иқтисодий тизимининг узвий бир халқаси сифатида эркин бозор иқтисодиёти демократик тамойилларини ривожлантириш ҳамда амалга ошириш йўлидаги ишончли қадамдир. Давлатимиз раҳбари томонидан таклиф этилиб, иқтисодиётни жадал суръатлар билан ривожлантиришга оид қабул қилинаётган қонунлар ва қарорларда ҳам янги, байналмилал ва чет тиллардан ўзлашган терминларга дуч келишимиз табиий

ҳодиса. Ўзбек тили ранг-баранг синоним ва халқаро терминлар билан бойиб бормоқда. Жамиятимизда эркин бозор иқтисодиётига ўтиш “Риэлторлик” фаолияти тўғрисидаги қонун яратилишига сабаб бўлди. Ваҳоланки, кўчмас мулк олди-сотдиси билан шуғулланишнинг янгича номланиши, амалга жорий этилган риэлторлик фаолияти ва термини дабдурустдан муомалалага киргани учун кўпчиликка янгилик бўлиб туюлди.

Синонимиянинг юзага келишига мисол тариқасида “риэлтор – realtor” тушунчасини кўрсатишимиз мумкин. В.К. Мюллернинг луғатига мурожаат қилинса, ушбу терминнинг маъноси “кўчмас мулк агенти” мазмунини англатади. Айрим қонунларда эса мазкур термин “агент, воситачи” тарзида берилган бўлиб, эркин бозор иқтисодиёти тақозоси билан бошқа маънолар ҳам қайқисодиёт этган. Ушбу терминдан келиб чиқадиган бундай коннотат семалар В.К. Мюллер луғати ва бошқа луғатларда қайд этилмаган. Амалиёт тақозосидан келиб чиқиб, мазкур сўзнинг терминлик вазифаси янада кенгайган. Ўзбек тилида бозор, айниқса, чорва моллари бозори муомалаларида “даллол” тушунчаси “тарихан” шаклида қўлланилган. Ушбу сўз келиб чиқишига кўра, “далил, далолат” лексемаларига ўзакдошдир. Даллол бозор шароитида икки киши ўртасидаги муомалани муайян ҳамда асосли далиллар келтириб келиштирувчи, савдо-сотиққа ёрдам берувчи воситачидир. Бинобарин, шундай бўлса ҳам, “даллол” тушунчаси “риэлтор” тушунчасига муқобил, ҳақиқий эквивалент бўла олмайди. Унинг маъно доираси ва қўлланиш қўлами эркин бозор иқтисодиёти учун торлик ва эскилик қилади. Шу маънода, иқтисодиёт тилининг айрим лексик қатламларида, таркибий терминологияда (молия-кредит, банк иши, солиқ, божхона, бухгалтерия-аудит ва б.) ана шундай юзлаб синоним-термин тушунчаларга дуч келамиз.

Албатта, таржимонлар, терминологлар ва семиотиклар бундай иқтисодий-ижтимоий жараёнлардан хабардор бўлиши ҳамда ўз фаолияти доирасида уларни тўғри англаган ҳолда қўллаши талаб этилади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Будагов Р.А. Слово и его значение. – Л., 1976.
2. Гречко В.А. Гиперонимы и гипонимы, и их функции в русском языке //Лексика. Терминология. Вып. № 6.- Горький: 1977.
3. Евгеньева А.П. Проект словаря синонимов. – М., 1974.
4. Кучимов Ш.Н. Ҳуқуқий нормаларни ўзбек тилида ифодалашнинг илмий-назарий муаммолари. Филол. фанлари доктори. ...дис. автореф.- Т., 2004.
5. Королькевич В.А., Королькевич Ю.В. Англо-русский словарь живого финансово-экономического языка. – М., 2003.
6. Омонов А.А. Молия-кредит. – Т. 2009.
7. Осикова Л.Н. Английский язык, налоги и налогообложение. – М., 2006.
8. Сиддикова И.А. Синонимия языка и её кодификационные основы: Дисс. ...док-ра.филол.наук. – Т., 2012.
9. Мюллер В.К. Англо-русский словарь. - М.: Русский язык, OCR Палек, 2010.